МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 12 июнь. Чоршанба №50 (911) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

*Мустақиллик шарофати билан юртимиз кундан-кунга чирой очиб, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиб боряпти. Бунда йирик саноат корхоналарининг ҳиссаси катта бўлаётир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги қарори воҳа тараққиётида чинакам дастуриламал бўлди. Мазкур қарор асосида туманимизда жами 22 та лойиҳа амалга оширилади ва бундай улкан бунёдкорлик ишларига 9 млн. 126 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилинади. Натижада маҳаллаларда мингга яқин янги иш ўринлари ташкил этилади.*

*«Хива металл сервис» хусусий корхонасида металл том ёпқичлар, «Акфа қурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан алюмин деразa, эшик, дарвозалар, «Хива мебель сервис» хусусий корхонасида хорижий мамлакатларникидан қолишмайдиган замонавий мебель жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. «Бекчон уста» хусусий корхонаси томонидан асфальт заводи қурилмоқда. «Хива маиший техника» масъулияти чекланган жамияти томонидан совуткич ва музлаткичлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётир. «Хива чинор савдо», «Саёт матлубот савдо», «Ражаббобо» масъулияти чекланган жамиятлари ҳар бири 40 тонна сиғимга эга мева-сабзавот маҳсулотлари сақланадиган мустаҳкам омборхоналар, «Хива нон», «Таъминот маркази» масъулияти чекланган жамиятлари нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехлар, «Азамат сут» хусусий корхонаси эса сутни қайта ишлайдиган қўшимча цех бунёд этмоқда. Натижада бу тадбиркорлик субъектларида маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами ва сифати янада ошади.*

*Республикамиз саноати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган «Хоразм гиламлари» масъулияти чекланган жамияти ҳам катта ўзгаришлар остонасида. Бу ерда умумий лойиҳа қиймати 3 млн. 300 минг АҚШ доллари ҳисобига 4 минг тонна тайёр хомашё ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилмоқда. Шунингдек, «Хива сополи» хусусий корхонасида 300 минг АҚШ доллари ҳисобида янги цех қурилади. Бу эса, йилига 500 минг дона янги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.*

*Воҳа тадбиркорлари яратилаётган қулай имкониятлар туфайли замонавий корхоналарга эга бўлишмоқда. «Янги ҳаёт», «Тозабоғ», «Гиламчи», «Дўстлик», «Газчи», «Сангар» маҳаллаларида яшаётган Улуғбек Қаландаров, Бахтиёр Самадов, Даврон Саъдуллаев, Музаффар Қиличев каби тадбиркорлар темир-бетон, металл том ёпқич, шунингдек, томат пастаси, қандолатчилик маҳсулотлари, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, паррандачиликни ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қатъият билан иш олиб боришяпти. Яқин орада қадим Хива бобомерос обидалари билангина эмас, саноати ривожланган муътабар маскан сифатида ҳам довруғ қозониши шубҳасиз. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлар билан ҳамкорликда олиб бораётган амалий ишлари саноат равнақи, турмуш ободлиги ва фаровонлигига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.*

Баҳодир КАРИМОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Хива тумани бўлинмаси раиси.

# ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 2013 йил 13 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев расмий ташриф билан Тошкент шаҳрига келади.

Икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокаралар якунлари бўйича Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани, шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ўзаро манфаатли ва кенг кўламли муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган бошқа ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

ҚОНУН МОҲИЯТИ

## ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

**Юрт ободлиги маҳалла фаровонлиги билан, маҳалла фаровонлиги эса, оилалар мустаҳкамлиги билан белгиланади. Шу боис мамлакатимизда оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш, уларнинг манфаатларини қонун йўли билан ҳимоялашда фуқаролар йиғинлари ҳал қилувчи кучга эга.**

Маҳаллалар томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур кўмак кўрсатиш бўйича кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, оила институтини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, унинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялашда ота-оналарнинг ролини ошириш, ёшларни ёт таъсирлардан ҳимоялашда фуқаролар йиғинларининг алоҳида ўрни бор.

Оила мустаҳкамлиги, аввало, саломатликка боғлиқ. Ота-она учун фарзандлар соғлиғи — олий бахт. Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шу эзгу мақсад — соғлом оилани шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Мустаҳкам оила йилида таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси томонидан мамлакатимиздаги 154 та тиббиёт муассасасида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. 7,5 минг ўринга мўлжалланган шифохоналар, бир пайтнинг ўзида 11 минг кишини қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника объектлари фойдаланишга топширилди. Тиббиёт муассасалари 8 миллиард сўмлиқдан ортиқ замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланди. Бу борадаги ишлар кўлами Обод турмуш йилида янада кенгаймоқда.

> [2]

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН

## ҲАРАКАТ, ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ САМАРАСИ

**Фуқаролар йиғинлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан Жиззах вилоятида бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг йиғилишларида бу борада чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, барча ҳудудлардаги фуқаролар йиғинларига, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига етказилди.**




Йиғилиш баёни ижроси юзасидан вилоятда 13 та фуқаролар йиғинини намунавий ҳолатга келтириш борасида чора-тадбирлар белгиланди.

Бугунги кунда вилоятда 305 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан, 10 та шаҳарча, 104 та қишлоқ ҳамда 191 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўсатаётир. Фуқаролар йиғинларидан 115 таси ўзининг балансидаги бино билан, 191 таси компьютер жамланмалари ва 144 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ




Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

## БИЛИМ ВА МАҲОРАТДА ЕТАКЧИЛАР САРАЛАНДИ

**Юртимизда халқимизнинг бой тарихий тажрибаси, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини ўзида мужассам этган ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг нуфузи тобора юксалмоқда.**

Ушбу соҳада фаолият юритаётган мутасаддилар, хусусан, йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг билим, маҳорат ва кўникмалари мустаҳкамланиб бораётганини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган фуқаролар йиғинларининг «Энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи»си кўрик-танловлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, оилаларни мустаҳкамлаш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш борасидаги аҳамиятини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Бу жараёнларда маслаҳатчиларнинг алоҳида ўрни бор. Улар маҳаллаларда тарихан таркиб топган миллий қадриятларни ҳамда «обод турмуш» ғоясини кенг тарғиб этиш, йиғиннинг нуфузини янада ошириш, фаолият йўналишларига оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда кенг қамровли ишларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

> [2]

«УНИВЕРСИАДА — 2013»

## ФАРҒОНАДА КЎРИШГУНЧА ХАЙР!

**Бухоро шаҳрида «Универсиада — 2013» спорт мусобақаларининг финал босқичи якунланди**



**...Байрамона безатилган «Бухоро» марказий стадиони узра олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада — 2013» республика спорт мусобақалари машъаласи порлаб турибди.**

Майдонни тўлдирган ёш спортчилар ва артистлар мазкур спорт форумига бағишланган вокал-хореографик композицияни ижро этмоқда.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бошланади. Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келади.

Энг ҳаяжонли дақиқалар — ғолибларни тақдирлаш маросими бошланди.

Мусобақада энг кўп медаль жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси юксак мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Универсиада — 2013» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси — «Дамас» автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Самарқанд ва Андижон вилоятлари жамоаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — «Дамас» автомобиллари топширилди.

> [4]

ЖОЙ НОМЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

## Ҳаёт ва тафаккур тарзининг ифодаси



Жой номлари чуқур илмий, тарихий, жуғрофий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Шу боис донишманд халқимиз тафаккурининг бебаҳо ифодаси сифатида асрлар оша яшаб келмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида: «Аждодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-хиёбонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган. Мисол учун, Тошкентнинг ўн икки дарвозасига берилган чуқур маъноли гўзал номларни олайлик. Самарқанд, Бешёғоч, Кўкча, Чиғатой, Сағбон, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Камолон, Қўймас, Қўқон, Қашқар дарвоза деган номлар аввалambор ўзининг аниқ тарихий-жуғрофий маъноси билан ажралиб туради. Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган», деб таъкидланган.

> [3]

ЭЪТИРОФ

## ЎЗБЕК АЁЛЛАРИГА ДУНЁ ҲАВАС ҚИЛАДИ

**Яқинда пойтахтимизда «Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинлиги, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

Унда иштирок этган хорижий давлатлар экспертлари Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга юксак эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар.

**Сьюзен СКЕНЛАН,**
**АҚШ хотин-қизлар ташкилотлари миллий кенгаши раиси:**

— Ўзининг аъло хулқи, зукколиги, муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётган иқтидорли ўзбек қизлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилгани юртингизда хотин-қизларга қаратилаётган эътиборнинг юксак намунасидир. Ёш бўлса-да, Давлат мукофотига сазовор бўлган қизлар учрашув чоғида мени жуда ҳайратда қолдирди. Қизларнинг шарқона лутфи, хорижий тилларда эркин сўзлашиши, бадиий ижодни юксак даражада тушуниши ва тингловчига етказиб бериш салоҳияти таҳсинга лойиқ.

АҚШда Ўзбекистондагидек аёлларга эътибор юксак, деб айта олмайман. Бизда кўпроқ бизнесга катта эътибор қаратилган. Бизнес билан шуғулланадиган корпорацияларда раҳбар аёллар ҳам бор. Аммо улар жуда озчиликни ташкил этади. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш ва шу тариқа давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир.

**Виталий ТАБАРЧА,**
**Синжерей тумани раисининг ўринбосари (Молдова):**

— Ўзбекистонда ўзим учун кўплаб фойдали нарсаларни билиб олдим. Масалан, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари раислари айни пайтда ҳоким



ўринбосари этиб тайинланишига оид тажрибангиз жуда ноёбдир. Бу аёллар билан боғлиқ кўплаб ҳуқуқий, ижтимоий ва гуманитар масалаларни ҳал этишда давлат ва жамият муносабатларидан самарали фойдаланиш имконини бермоқда.

Ўзбекистонда оналик ва болалик муҳофазасига ҳам катта эътибор қаратиляпти. Юртингизда болалар соғлом туғилиши ва ўсиши учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Молдовада давлат соғлиқни сақлашга маблағ ажратмайди, барча харажатлар тиббий суғурта, яъни аҳоли ҳисобидан қопланади. Ўзбекистонда мазкур соҳа тўлиқ давлат томонидан молиялаштирилмоқда. Бу — жуда катта ютуқ.

> [2]

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН

# ҲАРАКАТ, ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ САМАРАСИ



< [1]

Милиция таянч пунктлари фуқаролар йиғини биносида жойлашиши ҳар икки томон учун бирдай манфаатли. Кейинги йилларда бу масалага эътибор қаратилиб, мавжуд фуқаролар йиғинларидан 291 таси профилактика инспекторлари билан битта бинода жойлаштирилди. Қолган 14 та милиция таянч пунктида ҳам бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда.

Фуқаролар йиғини ҳамда профилактика инспекторларининг ҳамкорлиги ҳудудда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, профилактик тадбирларни кучайтириш имконини бераётир. Бунинг натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида 126 минг 758 та оила ўрганиб чиқилди.

Бу йўналишда Жиззах шаҳри Бобур номидаги маҳаллада яхши тажриба тўпланган. Маҳалла фуқаролар йиғини идораси биносида жойлашган милиция таянч пунктида профилактик ишларни кучайтириш учун барча шароитлар яратилган. Натижада ўтган йили маҳалла ҳудудида бирорта ҳам ҳуқуқбузарликлар содир этилмади.

— Фуқаролар йиғинлари ва профилактика инспекторлари ҳамкорлигида ҳудудларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда яхши натижаларга эришилаётир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси Абдумажид Сатторов. — Йиғинларда профилактик ишларни яхшилаш, осойишталикни сақлаш, милиция таянч пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилаётир. Профилактика инспекторларининг маҳаллий бошқарув органлари, жамоатчилик билан алоқаларини яхшилаш мақсадида турли ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат идоралари билан ҳамкорлиги ҳудуд ҳаёти билан боғлиқ барча масалаларда изчиллик, мунтазамлик касб этаётир. Хусусан, фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида профилактика инспекторларидан ташқари, санитария-эпидемиология маркази мутахассислари, солиқ, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари инспекторлари масъул сифатида бириктирилгани кўплаб масалаларни ҳамжиҳатлик билан ҳал қилиш имконини бермоқда.

Вилоятдаги барча фуқаролар йиғинларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларининг самарали амалга оширилишига кўмаклашиш мақсадида уларнинг намунавий ҳафталик ва ойлик иш режалари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Шаҳар, туман ҳокимлари томонидан белгиланган жадвал асосида маҳаллалардаги фаолларнинг фаолияти бўйича тақдимотлар ўтказилиб, профилактика инспекторларининг оилалар бўйича ҳисоботлари эшитилиб борилмоқда.

Шунингдек, жорий йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари ҳамда ҳокимлик тизимига кирувчи давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича ҳисоботларини эшитишга қаратилган чора-тадбирлар режаси амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори юзасидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жорий йилнинг март ойида вилоятнинг барча туманларида фуқаролар йиғинлари фаоллари ва аҳоли иштирокида семинарлар ўтказилди. Бу тадбирларда 1,5 мингдан зиёд кишининг иштироки таъминланди. Натижада нафақалар ва моддий ёрдамлар тўлашдаги кўплаб масалаларга аниқлик киритилди, давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш борасидаги тушунтиришлар туфайли ўринсиз шикоятларнинг олди олинди.

Фуқаролар йиғинларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялари, «Ота-оналар университети», «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиб, йиғин раислари томонидан фуқаролар йиғини аъзоларига ҳар чоракда ҳисоботлар бериб бориш ишлари йўлга қўйилди.

Вилоятдаги фуқаролар йиғинлари умумтаълим мактаблар ҳамда касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтириш борасида ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ва болалари билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга доир «Мутахассислик — сенинг келажагинг» кўргазмаси, «Тўғри танланган касб — оила фаровонлиги асоси» мавзусида тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил қилинди.

Бугун жамият ҳаётига оид барча масалаларда маҳаллалар фаол қатнашаётир ва улар ўз зиммасидаги вазифаларни тўлиқ уддалаш борасида тинимсиз изланиш ва интилишда.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла аҳоли турмуши фаровонлиги, юрт тинчлиги билан боғлиқ барча масалага масъуллиги боис унинг жамиятдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Бек НАЗАР
«Mahalla»

ФОНД КЎМАГИДА

# Шароит тўкис бўлса, ишда унум бўлади

☑ **Яқинда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Олтинкўл тумани бўлинмаси кўмагида «Намуна» маҳалласи гузари барпо этилди.**

Унга ёндош хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам ҳомийлар маблағлари ҳисобидан бунёд этилди. Натижада 14 нафар ёш иш билан таъминланди.

Шунингдек, Фонднинг туман бўлинмаси томонидан Кўмакай қишлоғидаги «Чўнтак» маҳалла фуқаролар йиғинининг биносини капитал таъмирлаш учун 15,3 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу хайрли ишда тумандаги саховатпеша тадбиркорлар ҳам қўл қовуштириб туришмади. Улар томонидан 135 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан 8 та қишлоқнинг 26 та маҳалласига компьютер жамланмалари олиб берилди. Соҳада хизмат қилаётган ходимлар бўлинманинг бундай хайрли ишларидан мамнун.

Хуллас, фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида Фонд кўмагида амалга оширилаётган ишлар тизим такомилига хизмат қилади.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

ЭЪТИРОФ

# ЎЗБЕК АЁЛЛАРИГА ДУНЁ ҲАВАС ҚИЛАДИ




< [1]

**Матиас ФОСС,**
**Германия омонат кассалари жамғармаси департаменти директори:**

— Жамғармамиз Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва банклари билан 10 йилдан буён аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳудудларда хотин-қизлар маслаҳат марказларини ташкил этдик. Улар хотин-қизларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, оилавий бизнес соҳасида билим ва касб эгаллаши, кредит олишига ёрдам бермоқда. Бу, аввалambор, олис қишлоқ туманларида аёллар ўртасида тадбиркорликни кенгайтириш, касаначиликни йўлга қўйишга хизмат қилмоқда.

Тадбиркор хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойларда яшаётган аёлларга микрокредитлар ажратиш орқали бошланғич капитал билан таъминлаш ҳамкорликдаги ишларимизнинг муҳим йўналишларидандир. Ажратилган кредитлар умумий ҳажми 14 миллиард сўмдан ошди.

Шуни таъкидлашни истардимки, мамлакатингиздаги хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича бундай тизим дунёнинг бошқа ҳеч бир мамлакатида йўқ. Германия ҳам бундан андоза олса арзийди.

**Мария Людовика БОТТАРЕЛЛИ,**
**«Европа аёллар лоббиси» ташкилотининг Италиядаги бўлими бош котиби:**

— Ўзбекистонга олтинчи марта келишим. Мамлакатингиз иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан жадал ривожланмоқда. Давлатингиз хотин-қизларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда. Бу борада ноёб фуқаролик институти — маҳалла ижтимоий алоқаларни сақлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятнинг саъй-ҳаракатларини муайян одамлар эҳтиёжларига йўналтиришга ёрдам бермоқда.

Бугунги кунда маҳалла ўз ишини бошлашга, ижтимоий ва сиёсий фаол бўлиш, ўз ҳуқуқларини билишга интилаётган хотин-қизлар учун муҳим таянч эканини кузатдим. Маҳалла манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланмоқда, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Бундай ўзига хос тажрибани, шубҳасиз, ўрганиш ва бошқа мамлакатларда ҳам жорий этиш лозим.

**Цзяо ЯН,**
**Шанхай аёллар федерацияси президенти:**

— Ўзбекистонда 12 йиллик бепул мажбурий таълим, ўқувчининг бир ёки икки касбни эгаллаши кафолатланган. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда ёш авлод тўлиқ давлат ҳимоясига олинган. Бизда ҳам бу ибратли тажрибадан фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайман.

Юртингизга ташрифим доирасида Тошкент шаҳридаги «Журжоний» маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Очиғи, маҳаллалар томонидан амалга оширилаётган эзгу ишларни ривожланган давлатларда ҳам учратиш қийин. Энг муҳими, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари билан маҳалла мутасаддилари музокара олиб бориши менга жуда ёқди. Зеро, ёшлар учун бундай қулай шарт-шароитларни яратиш мамлакат ҳамда жамият тараққиёти билан боғлиқ кўплаб масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

**Гулнора МАҲКАМОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

ҚОНУН МОҲИЯТИ

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

< [1]

Шунга қарамай, оилада соғлом фарзандлар туғилиши ва камолга етишига тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам кам эмас. Бу, аввало, қизларни вояга етмасдан турмушга узатиш ёки қариндошлар ўртасидаги никоҳ билан боғлиқ.

Оила кодексига асосан Ўзбекистонда ёшларнинг турмуш қуриши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Бу эса, фарзандларимизни айнан ана шу ёшда турмуш қуришлари шарт дегани эмас, албатта.

Шифокорларнинг таъкидлашича, 17-18 ёшли қизлар оналикка жисмоний ва маънавий жиҳатдан тўла тайёр бўлмайдилар. Бу ёшдаги ҳомиладорлик ёш она ва чақалоқ ҳаётига жиддий хавф туғдиради. Натижада она ва бола ўлими юз бериш хавфи ортади. Бунинг устига, тайинли касб-корга эга бўлмаган ёш она муайян маънавий-ижтимоий муаммолар гирдобида қолиши мумкин.

Тиббиёт хулосаларига кўра, оила қуришга энг қулай давр қизлар учун 20-24, йигитлар учун эса 24-26 ёш. Улар орасидаги фарқ 3-6 ёш бўлиши мақсадга мувофиқ.

Яқинда кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам эрта турмуш қуришнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ 473-модда билан тўлдирилди. Энди никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришиш, энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни турмушга узатиш ёки уйлантириш энг кам ойлик иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жаримага тортилишига олиб келади.

Бундан ташқари, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, Жиноят кодексига 1251-модда киритилди. Мазкур модда никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқдир. Яъни, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади. Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни турмушга узатиш ёхуд уйлантириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланиши белгилаб қўйилди.

Маҳалла — ижтимоий жиҳатдан таъсирчан субъект. Шу боис мазкур қонун нормаларини ҳаётга самарали татбиқ этишда унинг иштироки муҳим аҳамиятта эга. Шу нуқтаи назардан янги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масъулиятини янада кучайтирди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Баъзан айрим оила бошлиқларининг: «Фарзанд меники, қачон, қандай тўй қиламан, бу — шахсий ишим», қабилидаги гап-сўзларини эшитиб қоламиз.

Тарбия маскани саналган маҳаллаларда ана шундай кайфиятдаги, фарзанди келажагига беписанд кимсаларнинг дунёқарашини ўзгартиш, тафаккурини ўстиришда фаоллар бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари лозим. Бу борада «юзхотир», «элчилик» қабилидаги андишалардан эмас, балки қонун кучидан унумли фойдаланиш зарур.

**Феруза ОМОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# БИЛИМ ВА МАҲОРАТДА ЕТАКЧИЛАР САРАЛАНДИ




Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Хотин-қизларнинг ижтимоий-маънавий, сиёсий, тиббий маданиятини юксалтириш, уларни иш билан таъминлаш, оилалар тинчлиги, маҳаллаларда ижтимоий маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда пойтахтимиздаги 476 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг хизматлари беқиёс.

Кўрик-танлов низомида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан Тошкент шаҳридаги мавжуд 476 нафар маслаҳатчидан 389 нафари танловнинг туман(шаҳар) босқичида иштирок этган бўлса, улардан 11 нафари кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилган танловда маслаҳатчилар ўзларининг бор билим ва маҳоратларини намойиш қилишди. Ғолиблик ҳамда танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқи Юнусобод тумани «Бодомзор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муборак Аъзамовага насиб этди. Иккинчи ўринни Сергели тумани Бобур номидаги маҳалла вакили Шоҳида Алиева қўлга киритган бўлса, учинчи ўринга Ҳамза тумани «Бирлашган» маҳалласи маслаҳатчиси Лола Қосимова лойиқ топилди.

**Бухорода** ҳам мазкур танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларида қатнашган жами 451 нафар маслаҳатчи ўртасидан танлаб олинган 13 нафар шаҳар ва туман вакиласи ғолиблик учун ўзаро куч синашди.

Маслаҳатчи иш ҳужжатларининг юритилиши, кундалик ҳаётда учрайдиган муаммоларга оид саволлар, янги таҳрирдаги қонунлар ҳамда маслаҳатчи фаолиятига оид савол-жавоб шартларидан иборат мусобақада Ромитан туманидаги «Қалайчарбоғ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маъриафат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Рўзигул Ҳафизова энг юқори балл тўплаб, ғолибликни ҳамда танловнинг республика босқичи йўлланмасини қўлга киритди. Иккинчи ўрин Вобкент туманидаги «Сариосиё» маҳалласи маслаҳатчиси Меҳрия Мирзаевага, учинчи ўрин эса Коғон шаҳар «Арабхона» маҳалласи вакиласи Муҳаббат Саидовага насиб этди.

«Фарҳод» маданият саройида мазкур танловнинг **Навоий вилояти** босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 10 нафар маслаҳатчи иштирок этди.

Танлов Низомига кўра, биринчи шартда ҳайъат аъзолари иштирокчиларнинг ўз фаолиятига доир ҳужжатлар билан ишлаш борасидаги билими ҳамда ташкил этган кўргазмасини баҳоладилар.

Иккинчи ва учинчи шартларда маслаҳатчиларнинг янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлари ва уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида ҳамда фаолиятга доир назарий билимлари савол-жавоб тарзида синовдан ўтказилди.

— Бу шартларнинг саволлари республика ташкилий қўмитаси томонидан тузилган бўлиб, улар конвертларда муҳрланган ҳолатда айнан танлов жараёнида ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилгани тадбирнинг нечоғли адолатли, холисона ташкиллаштирилгани ифодасидир, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Анора Бобомуродова. — Эътироф этиш лозимки, бу йилги танловда маҳалланинг халқ орасида нуфузи тобора ошаётгани яққол кўринди. Муҳташам маданият саройининг 700 кишилик зали меҳмонлар билан тўлган. Шунингдек, ҳар бир иштирокчининг шартларга тайёргарлиги, ишга доир ҳужжатлари, савол-жавоблардаги зукколиги ҳам маҳалла тизими ходимлари ўз ваколатларини масъулият деб билиб, шунга яраша фаолият юритишга интилаётганининг исботидир.

Ниҳоят натижаларни эълон қилиш фурсати етди. Учқудуқ туманидаги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳулкар Асқарова биринчи ўринни эгаллади ва компьютер жамланмаси, ошхона буюми ҳамда танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Фахрли иккинчи ва учинчи ўринни олган Хатирчи тумани Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла маслаҳатчиси Нилуфар Маматова ҳамда Қизилтепа туманидаги «Ҳасанча» маҳалласи маслаҳатчиси Моҳигул Қудратова ҳам компьютер жамланмаси билан тақдирланди.

Мазкур кўрик-танловнинг **Сирдарё вилояти** босқичи Гулистон шаҳридаги О.Хўжаев номли вилоят мусиқали драма театри биносида юқори савияда ўтказилди.

Танловнинг вилоят босқичида туман ва шаҳарлардан биринчи ўринга сазовор бўлган 11 нафар маслаҳатчи 3 та шарт асосида ўзаро беллашдилар. Беллашув қизғин, муросасиз ўтди.

Маслаҳатчиларнинг савол-жавоб орқали маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларимизни тарғиб этиш, тўй-ҳашам ва маросимларни ихчамлаштириш, шунингдек, маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш жараёнларини мисоллар орқали намойиш этдилар.

Танлов якунларига кўра, биринчи ўринни Гулистон тумани Абдулла Қаҳҳор номидаги маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ҳалима Жумабоева қўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин Оқолтин туманидаги «Ғалаба» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Умида Хўжаёровага, учинчи ўрин эса Ширин шаҳри Амур Темур номидаги маҳалла вакиласи Маҳбуба Исмадиёровага насиб этди.

— Ҳудудимиздаги оилалар тинчлиги, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга, миллий қадриятларни кенг тарғиб қилишга, «обод турмуш» ғоясининг мазмун-моҳиятини, аҳолига, биринчи навбатда, ёшларга етказишга, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга асосий эътиборни қаратдим, — дейди танлов ғолибаси Ҳалима Жумабоева. — Жорий йилда 15 нафар ишсиз фуқарони ишга жойлаштиришга, ҳудудда 2 та новвойхона ташкил этиб, яна 8 нафар фуқаронинг иш билан таъминланишига ҳисса қўшдим. Энг муҳими, 10 та оиланинг ажралиши олди олинди.

Бугунги кунда **Тошкент вилояти** маҳалла фуқаролар йиғинларида 903 нафар маҳалла маслаҳатчиси фаолият кўрсатаётир. Уларнинг самарали меҳнати учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Вилоят маънавият ва маърифат марказида фуқаролар йиғинларининг «Энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи»си кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот ишлари қамровини кенгайтириш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 18 нафар маҳалла маслаҳатчиси ўз билим ва малакасини синовдан ўтказди.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Танлов шартларига кўра, маслаҳатчилар маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда намунавий низомда белгиланган вазифалар, фаолиятининг асосий йўналишлари, иш усуллари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлари, иш фаолиятлари акс этган альбом, буклет ва плакатлар намойиши ҳамда ўз маҳалласи тарихи, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва маданияти ҳақида тушунча бердилар.

Танлов якунида Зангиота туманидаги Бўзсув қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги «Чинор» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Малика Солижонова биринчи ўринни қўлга киритди. Бўка туманидаги «Ачамайли» маҳалласи маслаҳатчиси Муқаддас Ғойипова иккинчи, Ангрен шаҳридаги «Наврўз» маҳалласи маслаҳатчиси Ҳафиза Кайкиева эса, учинчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолиб ва совриндорлар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Таниқли санъаткорларнинг чиқишлари танловга байрамона руҳ бағишлади.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичларида энг намунали деб топилган маслаҳатчилар танловнинг республика босқичида маҳалласи, вилояти шаънини муносиб ҳимоя қилиш учун тайёргарликни бошлаб юбордилар.

**Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

# Ҳунардан бахт топаётганлар



☑ **Косонсой тумани аҳли миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришда водийда пешқадамлардан саналади.**

Бугун ҳар бир маҳаллада момомерос анъаналарни қайта тиклаб, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этаётган ўнлаб тадбиркорлар бор.

Чорбоғ маҳалласида яшовчи Машҳура Аҳмедова ана шундайлардан бири. Ёшлигидан чеварликни орзу қилган Машҳура онаси Маъсудахон аядан тикиш-бичиш, тўқишни қунт билан ўрганди. У мактабгача таълим муассасасида ишлаган даврида болаларга атаб турли қўғирчоқлар ясашни ўзлаштирди. Кейинги йилларда унда билганларини маҳалла қизлари, қўни-қўшни аёлларга ҳам ўргатиш нияти туғилди.

М.Аҳмедова ҳудуддаги Косонсой алоқа ва транспорт касб-ҳунар коллежи маъмурияти билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатгач, ўтган йилдан фаолиятини коллежнинг бўш турган биносида давом эттириб келмоқда. Бу ерда ташкил этилган «Машҳура Абдумутал қизи» хусусий корхонасида маҳалла хотин-қизлари билан бирга коллеж талабалари ҳам миллий ҳунармандчиликнинг йигирмадан ортиқ йўналишида ўз маҳоратларини оширишмоқда.

Корхона аъзолари миллий каштачилик ва юмшоқ ўйинчоқ ясаш, тикувчилик, новдадан сават тўқиш, пазандалик бобида нафақат туманда, ҳатто вилоятда ҳам танилдилар. Уларнинг маҳсулотлари харидоргир. Тадбиркорлик асосида иш юритаётган аёл эндиликда мато қийқимларидан қуроқ ёстиқ, чойшаб, кўрпа тикишни ҳам йўлга қўйди. Бу меҳнатлар ортидан топилган маблағ ҳисобига корхонадаги замонавий тикув машиналари сони 15 тага етди. Бугунги кунда Машҳурадан ҳунар ўрганган юз нафарга яқин ёш қиз ва уй бекалари ҳам мустақил равишда ўз оилавий бизнесларини шакллантирмоқда.

Аҳамиятли томони шундаки, бу ерда ёшларга касб-ҳунар ўргатиш билан бирга, уларни доимий иш билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жамшид БЕК
«Mahalla»

МАҲАЛЛАДАН ХОРИЖГА

# Ишлаб чиқариш кенгайтирилмоқда

☑ **Гулистон шаҳридаги «Habib-tex» қўшма корхонаси Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган йирик ишлаб чиқариш объекти ҳисобланади.**



Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинмоқда.

Қўшма корхонага ўрнатилган 176 дона замонавий тикув-дастгоҳини малакали ишчилар билан биргаликда касб-ҳунар коллежларини битирган 80 нафар ёш мутахассис бошқармоқда. Бугунги кунда уларнинг кучи билан йилига 1 миллион 200 минг дона катталарга, 500 минг дона болаларга мўлжалланган спорт кийимлари тайёрланаётир.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсгани боис бу ерда жорий йилнинг шу даврига қадар 1 миллиард 175 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Эътиборли жиҳати, унинг асосий қисми хорижга экспорт қилинди.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ
«Mahalla»

СЕМИНАР

# Чет тилини ўрганишга бағишланди

☑ **Қарши шаҳрида узлуксиз таълим тизимида француз тилини ўқитишда чет эл тажрибаларидан фойдаланиш ҳамда замонавий методларни татбиқ этиш бўйича Франциянинг Тошкентдаги элчихонаси, Франция институти билан ҳамкорликда ўқув-семинари ташкил этилди.**

Юртбошимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Қарши давлат университетида ташкил этилган семинарда республикамизнинг турли вилоятларидан келган француз тили ўқитувчилари иштирок этишди.

Сўнг анжуман Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги «Нуристон» академик лицейида давом этди. Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Франсуа Готье, Безансон университетининг профессор-ўқитувчилари иштирокидаги мулоқот иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Суҳбат давомида жаноб Франсуа Готье Қашқадарё вилоятида таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар, ёшларнинг чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқишлари ҳақида мамнуният билан сўз юритди. Ўқувчиларнинг француз тилида шеър ва қўшиқлар айтиши, ўз фикрларини равон ифода эта олиши хорижлик меҳмонлар томонидан юқори баҳоланди.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

ЖОЙ НОМЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

# ҲАЁТ ВА ТАФАККУР ТАРЗИНИНГ ИФОДАСИ

< [1]

Дарҳақиқат, юртимиздаги кўплаб географик номлар ўша ҳудуд табиий иқлим шароити, аҳолининг хўжалик фаолияти, шунингдек, тарихий воқеа-ҳодисалар билан чамбарчас боғлиқ.

Жой номларини тиклаш, бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, халқимизнинг асрий анъаналарини рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрда қабул қилинган «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрда қабул қилинган «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

— Жой номларида халқимизнинг кўп минг йиллик маданияти, маънавияти, миллий урф-одатлари акс этган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хатирчи тумани бўлинмаси раиси Жаҳонгир Қодиров. — Шу боис туманимизда географик объектларнинг номларини миллий қадриятларимизга мослигини таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирлар асосида иш олиб боришда бўлинмамиз ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўтган давр мобайнида «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонун талаблари асосида туманимиздаги 67 та фуқаролар йиғинидан шахслар номига қўйилган 13 та маҳалланинг номлари ўзгартирилди. Хусусан, Собир Раҳимов, Рўзиқул Маҳманов, Қўчқор Раззоқов, Пирмат Ёрлақабов номидаги маҳаллалар тарихий ҳамда географик жойлашувидан, қадимий жой атамаларини тиклаш, уларни асраб-авайлаш талабидан келиб чиқиб қадриятларимизга мос равишда «Навбаҳор», «Дўстлик», «Бинокор», «Соҳил», дея қайта номланди.

Собиқ тузум даврида миллий маънавиятимизнинг муҳим қисми бўлган жой номларига асоссиз равишда бошқа тиллардаги сўзларни зўрма-зўраки тиқиштириш ёки уларни халқимиз менталитетига ёт номлар билан аташ авж олганди. Оқибатда баъзи қадимий номлар бутунлай йўқолиб, уларнинг ўрнига маҳалла ва кўчаларимиз ажнабий номлар билан аталди.

— Мисол учун, Хатирчи туманида Ленинобод, Куйбишев, Коммунизм, Москва, Партсъезд, Сталин каби қишлоқлар истиқлол туфайли қайта номланди, — дейди туман ҳокимлигининг ижтимоий масалалар бўйича бош мутахассиси Акбар Ирисқулов. — Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича тузилган ҳудудий комиссиялар томонидан ҳозир бу борадаги таклифлар чуқур ўрганилиб, объектларнинг номланиши, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, архитектура ва картография ҳамда бошқа соҳалардаги атамаларнинг қонунчилик талабларига жавоб бериши бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир ҳудудда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича илмий экспертизалар ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилмоқда.

Бугун аҳоли табиий иқлим шароити, хўжалик юритиш фаолиятидан келиб чиқиб жой номларини ўзгартиришда ўзлари ташаббус кўрсатаётгани, таклифлар билан чиқишаётгани қувонарли ҳолдир. Чунончи, бунинг замирида ёшларни миллий маънавиятимизга мос равишда тарбиялашдек эзгу мақсад мужассам.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Собиқ тузум даврида ҳам миллийлигимизни сақлашга уринган, жой номлари тарихини чуқур билган фидойи инсонларнинг саъй-ҳаракатлари билан тарихимизни ўзида ифода этган номлар сақлаб қолинди. Масалан, тумандаги Сангижумон, Лангар, Кориз, Тасмачи, Каттасой, Мирдош, Майдонсой, Қанғли каби қишлоқларнинг номларини эшитган киши кўз ўнгидан юртимизнинг бой тарихи, безавол қадриятлари гавдаланиши тайин.

Жой номлари муайян ҳудуднинг тарихи ва аҳолисининг турмуш тарзини ифодалайди. Бу, айниқса, маҳаллалар номларида яққол намоён бўлади. Мустақиллик туфайли қайта тикланаётган қадриятларимиз ифодаси сифатида жой номлари ҳар бир юртдошимизнинг фахри ва ғururига айланиб бораётир.




— Маҳалламиз 2000 йили ташкил топган, — дейди «Миёнқол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамро Бекмуродов. — Унга ҳудудимизда яшаган, таълим соҳасида кўп йиллар меҳнат қилган Усмон Бойиров номини бергандик. «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан кейин муаррихлар билан маслаҳатлашиб, унга «Миёнқол» номини бердик. Бу сўз қадимий суғдчада, «икки дарё оралиғи», «деҳқончилик учун қулай ер» маъноларини англатади. Маҳалламиз аҳли, асосан, миришкорлик билан шуғуллангани боис шундай номланди.

Бугун шаҳар ва туманларда янги-янги маҳаллалар, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида аҳоли турар-жойлари, кўчалар бунёд этилмоқда. Жойларга ном танлашда соҳа олимлари ва мутахассислар, тегишли маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари вакилларидан иборат комиссиялар томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани туфайли ҳудудларни муносиб номлар билан аталишига эришилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, кун сайин обод бўлиб, чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизнинг номлари шу ерда яшовчи аҳолида юртпарварлик, фахр ва ғурур туйғуларини уйғотмоғи лозим. Зеро, жой номлари аждодларимиз тафаккур тарзининг ифодаси, маънавиятимиз кўзгусидир.

Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА

# ФАРОВОНЛИК ТАБИАТ ҲУСНИГА ХОЛ

**Фарғона шаҳридан жануб томон юрсангиз, табиати дилкушо, файзли ва тароватли манзилларни кўрасиз. Соя-салқин гўшалари мўл қадимий қишлоқлар, зилол сув солланиб оқаётган ариқлар, меҳрибон ва меҳмондўст одамлар сизга пешвоз чиқишади. Мўътадил иқлим, мусаффо ҳаводан баҳридилингиз очилади, кўнглингиз ажиб дилхушликдан ҳузурланади.**



Фарғона туманидаги сўлим Лоғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳақида сўз юритганда ана шу таърифларга эътибор қаратиш ўринли. Ўн уч минг нафардан зиёд аҳоли умргузаронлик қилаётган бу қадим маскан истиқлол йилларида ўзгача файз-тароват касб этди.

Туман тарихи билимдони Холдорали Қулфиддиновнинг ёзишича, қишлоқ номи қадимий туркий тилдаги «лоғун» сўзидан олинган бўлиб, «чуқур, чуқурлик» маъносини англатади. Ҳақиқатан ҳам қишлоқнинг чор-атрофи қир-адирлар билан ўралган, чуқурликда жойлашган. Бу ерга ташриф буюрган киши тарих ва табиат уйғунлигига гувоҳ бўлади.

Қишлоқ фуқаролар йиғинига бир неча йиллар турли масъул вазифаларда ишлаган Хайрулло Сайдуллаевни раис этиб сайлашган ҳамқишлоқлари адашишмади. Катта ҳаётий тажрибага эга раис мана, икки йилдирки, кўпга бош. Ҳудудда 4 та маҳалла фуқаролар йиғини бор.

Яқингача пастқам уйлардан иборат қишлоқ эндиликда замонавий, обод масканлар сирасида эътироф этилмоқда. Муҳими, ҳозирда ҳар бир лоғонлик ўзи ва оиласининг имкониятларини яхши билади. Шундан келиб чиқиб, турмуш фаровонлигини янада ошириш борасида янги-янги режалар устида бош қотиради. Маҳаллий ёшлар шу ернинг ўзида ташкил этилган тадбиркорлик субъектларида ишли бўляпти.

Мустаҳкам оила йилида қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. «Оқтош» маҳалла фуқаролар йиғинига икки километр масофадан ичимлик суви қувури тортилди. Бундан ташқари, 1,5 километрли ички йўл асфальтланди.

— Аҳоли тасарруфида 120 гектар томорқа мавжуд, — дейди йиғин раиси Хайрулло Сайдуллаев. — Кейинги икки-уч йилда томорқага эътибор кучайиб, йилига ўртача уч марта ҳосил олинмоқда. Кўплаб иссиқхоналар барпо этилди. Шу кунларда 15 та янги хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаси фаолиятини йўлга қўйиш учун ҳамқишлоқларимизга банк кредити олишда амалий ёрдам кўрсатяпмиз.

Шу ўринда сўнгги йилларда лоғонликларни қийнаб келган бир муаммони эслаб ўтиш жоиз. Гап шундаки, ҳудудда шўрланиш ва сизот сувлар кўпайиши кузатилди. Шу боис қишлоқ аҳлининг зах сувни қочириш борасидаги ташаббуси вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўтган йилнинг кузида қишлоқ ҳудудидан оқиб ўтувчи Ўрта ариқ йигирма кунда ковланди. Вилоят ҳокимлиги кўмаги билан 5-6 та замонавий экскаватор тинимсиз ишлади. Лоғонликлар ҳашар уюштирди. Шу тариқа 7 км. сув йўли ҳомийлар маблағи, 5 км. масофа эса ҳашар асосида тозаланди. Сув йўли ўзгаргани ҳисобига бешта оилага деҳқон хўжалиги, тўрттасига томорқа учун ер ажратилди. Кўприклар қурилди, газ, электр, ичимлик суви тармоқлари янгиланди. Бу ишларнинг бари қишлоқ аҳли манфаати инобатга олинган ҳолда бажарилди. Натижада томорқалардаги зах сув миқдори пасайди.

Бир сўз билан айтганда, қадим маскан аҳли фаровон яшаш йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар. Зеро, эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар юрт истиқболи, фарзандлар камолига хизмат қилаверади.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

# Тажриба ва анъанага асосланиб

☑ **Юртимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдек масъулиятли вазифа юкланган ва бу юмуш айни кунларда талаб даражасида ижро этилаётир.**

— Жорий йилнинг биринчи чораги давомида 2048 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Абдурашид Расулов. — Ана шу тоифадаги фуқароларга 22 мингта уч тўлқинли радиоприёмник тарқатдик. Шунингдек, 10 нафар уйда таълим олувчи жисмоний имконияти чекланган ўқувчига компьютер жамланмаси ҳамда 2 нафар ногиронга аравача ҳадя этилди.

Фонд тузилмалари томонидан яна ўнта эҳтиёжманд оилага бир бошдан қорамол олиб берилгани, 15 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказиши учун моддий ёрдам кўрсатилгани ижтимоий ҳимоянинг манзилли тарзда амалга оширилаётганидан далолатдир.

Дарвоқе, олий таълим муассасаларида бакалавр босқичида таҳсил олаётган ногирон талабалар ҳам фонд томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Саккиз нафар ана шундай талабанинг ўқув-шартнома пуллари тўлаб берилди. Бунинг учун фонд тузилмалари томонидан 16 миллион 800 минг сўм маблағ сарфланди. Қолаверса, Хотира ва қадрлаш куни арафасида уруш ва меҳнат фахрийларининг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Қибрай тумани «Кўприкбоши» маҳалла фуқаролар йиғинида ижтимоий ҳимоя борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Ўтган давр мобайнида мазкур маҳалладаги кам таъминланган оилалар, 11 нафар ногиронга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилиб, байрам ва қутлуғ саналарда уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

— Хотира ва қадрлаш куни арафасида маҳалламизда яшовчи 80 ёшдан ошган 27 нафар нуронийга байрам дастурхони ёзилиб, совға-салом улашдик, — дейди «Кўприкбоши» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳабибулло Тошпўлатов. — Бу йилги байрамда ҳам бемор фахрийларимизнинг уйларига бориб, ҳолидан хабар олдик.

Маҳаллада яхши тажриба бор. Кам таъминланган оилаларга парранда олиб берилиб, улар ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда. Натижада бундай оилалар сони камайишига эришилаётир. Айни пайтда 5 та оилага 50 тадан жўжа олиб берилди. 3 та кам даромадли оила сабзавот ва полиз экинлари уруғи билан бепул таъминланган.

Бундай хайрли амаллар натижасида аҳоли турмуши тобора яхшиланиб, оилалар фаровонлиги ошиб бормоқда.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
«Mahalla»

ҲУНАРДАН УНАР

# КУЛОЛЛАР МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРГИР

**Риштон тумани азалдан моҳир ҳунармандлари, кулоллари билан машҳур. Истиқлол йилларида меҳнатини қадрлаш, фаолиятини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиб берилгани бу ерлик ҳунармандларнинг тадбиркорлик салоҳиятини юзага чиқарди. Қувонарлиси, туманда оилавий тадбиркорлар сафи кенгаймоқда.**

Мазҳархон Акромов ҳам истиқболи порлоқ ҳунармандлардан. Оиладаги меҳнатга муносабат, ҳалол даромад топишга интилиб яшаш, муносиб тарбия боис Мазҳархон 10 ёшидаёқ кулолчиликка қизиқди. Уста кулол, кўплаб шогирдларининг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашган ҳунарманд Маҳмуд Азизовдан лойга ишлов бериш санъатини пухта эгаллаган йигитнинг ўзи ҳам бугун мустақил фаолият юритмоқда.

— Ҳунар эгаллашимда, шубҳасиз, қадрдон маҳаллам «Зарариқ»да истиқомат қилувчи меҳнаткаш, ҳалол кишиларнинг ҳиссаси бисёр, — дейди М.Акромов. — Айнан шу масканда Риштон сопол буюмлари, миниатюраларидаги ҳеч бир ҳудуднинг кулолчилик намуналарига ўхшамайдиган, ўзига хосликни илғадим. Ижодимда ўсимлик ва натюрморт мавзусидаги мураккаб нақшларни сирлаб қоплаш ва бу безакларни эркин рангтасвир усулида мўйқалам билан қувноқ рангларни қориштиришга интиламан. Мовий ранг устунлик қиладиган асарларимиз, айниқса, хорижликларга маъқул келмоқда.

Кейинги йилларда М.Акромов оилавий тадбиркорликни жадал ривожлантирди. Соҳага қаратилаётган эътибор, қонунчилигимизда белгиланган имтиёз ва имкониятлар ҳунармандни ижодга ундади. Унинг кулолчилик буюмлари такрорланмас жилвакор нақшлари билан ажралиб туради. Кулол ёш бўлишига қарамай жаҳоннинг қатор давлатларида ўз мижозларига эга.

Маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамжиҳат алоқа боғлагани боис «Зарариқ»да бу қадимий ҳунарга қизиқувчилар кўпаймоқда. Гап шундаки, ҳудуддаги кам таъминланган оилалар фарзанлари, кулолчиликка меҳри тушган болалар Мазҳархондан лойга ишлов бериш санъатини ўрганмоқдалар. Оилавий корхонада эса, қизиқувчилар ҳамда оила аъзоларидан ташқари беш нафар киши доимий иш ўрнига эга. Қувонарлиси, туманда бундай истиқболи порлоқ ҳунарманд-тадбиркорлар бисёр.

— Ҳунармандларга бадиий кулолчилик буюмлари ва чинни маҳсулотлари ишлаб чиқаришлари учун 33 гектар ер ажратилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Риштон тумани бўлинмаси раиси Саминжон Ниёзов. — Ҳозирда 90 нафардан зиёд тадбиркор бу имтиёздан унумли фойдаланмоқда. Бугунги кунда мўъжаз устахоналарда яратилган санъат асарлари АҚШ, Япония, Испания, Германия, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон каби кўплаб мамлакатлар музейлари экспонатларидан ўрин эгаллаганидан фахрланамиз. Бу, аввало, истиқлол берган имкон, қолаверса, юртимизда ҳунармандларга берилаётган имтиёз ва рағбат самарасидир.

Яна бир гап. Риштон кулоллари тадбиркорликда ҳам ўрнак бўлишаётир. Мамлакатимизнинг кўҳна шаҳарлари — туризм ривожланган Бухоро, Самарқанд, Хива марказларида савдо дўконлари ташкил қилиб, бадиий буюмлар савдоси йўлга қўйилаётгани боис сайёҳларнинг бу нодир асарларга қизиқиши ва талаби тобора ошмоқда. Ҳунар ортидан келаётган мўмай даромад эса, ҳудуд қиёфасини кўркамлаштириб, аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда.



Ю.ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

«УНИВЕРСИАДА — 2013»

# ФАРҒОНАДА КЎРИШГУНЧА ХАЙР!

## Бухоро шаҳрида «Универсиада — 2013» спорт мусобақаларининг финал босқичи якунланди



Т.ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Муросасиз курашлар остида ўтган мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, ирода ва ғалабага интилишини намоён этган, тенгқурлари орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи-талабалар махсус совринларга сазовор бўлди.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бунинг самарасида маҳоратли спортчилар сафи кенгайиб бораётгани бу галги Универсиада беллашувларининг юқори натижалари ва рекордларида ҳам намоён бўлди, — дейди «Универсиада — 2013»нинг стол тенниси бўйича олтин медаль соҳибаси, пойтахтлик Нодира Бурҳонхўжаева. — Юртбошимизнинг биз, ёшларга эътибори ва ишончи бизни халқаро арenaлар сари дадил одимлашимизда муҳим омил бўлаётир.

Олимпия тамойиллари, холислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик, рақибга ҳурмат каби умуминсоний қадриятлар бош мезон бўлган Универсиада беллашувларида иштирокчиларнинг кўрсаткич ва натижалари тобора ўсиб бораётгани кузатилди, кўплаб янги рекордлар ўрнатилди. Бу келажакда Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга қодир спортчилар захирасида иқтидорли ёшлар сафи кенгайиб бораётганининг яна бир далилидир.

Мусобақаларда маҳорат кўрсатган спортчи ёшларнинг аксарияти энди Бутунжаҳон Универсиадасида қатнашади. Шу йилнинг 6-17 июль кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида ўтадиган ушбу нуфузли мусобақада саксон нафар спортчидан иборат Ўзбекистон спорт делегацияси спортнинг ўн тўрт тури бўйича ғолиблик учун куч синашади.

Мамлакатимизда олтинчи бор ўтказилган Универсиада нафақат Ўзбекистон спорти ҳаётида катта воқеа, балки барча жабҳаларда эришаётган ютуқлари билан Ватанимиз шарафини улуғлашга қодир ёшларимизнинг том маънодаги ёшлик ва гўзаллик байрамига айланди. Истиқлол йилларида умидли спортчиларимиз халқаро миқёсда юртимиз обрў-эътиборини янада юксалтиришга, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказаётган мамлакатимиз ва халқимизни бутун дунёга янада кенг таништиришга хизмат қилмоқда.

«Универсиада — 2013» республика спорт мусобақалари universiada.uz сайтида ўзбек, рус, инглиз, немис, француз, итальян, испан, корейс, япон, хитой тилида ёритилди. Уч кун давомида дунёнинг қирқдан ортиқ давлатидан ўн минглаб спорт мухлислари Универсиада беллашувларини ушбу расмий сайт орқали кузатиб борди.

«Универсиада — 2013» дастури доирасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар — таниқли спортчилар, шоир ва ёзувчилар, санъат арбоблари билан учрашувлар, қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар, шоу-концертлар ташкил этилди. Айниқса, Бухоро маданий маркази, ундаги «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи талабаларда унутилмас таассурот қолдирди.

...Стадион узра майин мусиқа садолари янграйди. «Универсиада — 2013» республика спорт ўйинларининг байроғи туширилади. Уни бухоролик спортчилар олий ўқув юртлари талабаларининг навбатдаги финал мусобақасига мезбонлик қиладиган Фарғона вилояти вакилларига топширади.

— Навбатдаги Универсиаданинг финал босқичи Фарғона вилоятида ўтказилиши биз учун юксак шарафдир, — дейди енгил атлетика бўйича олтин медаль соҳиби Достон Сайдалиев. — Уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг юқори бўғини бўлган талабалар мусобақаси бизнинг вилоятимизда ҳам юқори савияда ўтишига ишонамиз.

Мусобақа машъаласи аста-секин сўнади. Бироқ у қатнашчилар қалбига жо бўлиб, уларнинг катта спорт сари йўлини ёритиб, янги ва янада улкан ютуқларга чорлайверади.

«Универсиада — 2013» спорт мусобақаларининг ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъаткорларнинг катта концерти билан якунланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Эркин ЁДГОРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

## Дунё бўйлаб

### Ёғингарчиликлар қимматга тушди

☑ **Сўнгги кунлардаги ёғингарчиликлар оқибатида Хитойнинг бир қанча туманларида 3,57 млн. киши моддий зарар кўрди.**



«Синьхуа» ахброт агентлигининг хабар беришича, энг оғир вазият мамлакатнинг 10 та вилоятида, хусусан Хубэй, Хунань, Цзянси, Аньхой, Юньнань ва Гуйчжоуларда содир бўлган.

Жала ва ёмғирлар Хитойнинг 287 минг гектар экин ерларини пайҳон этиб, 1,5 мингдан зиёд турар-жой биноларини вайрон қилди.

Табиий офат етказган иқтисодий зарар 1,29 млрд. юан(209 млн. доллари)га баҳоланмоқда.

### Ҳалокатли чақмоқлар

☑ **Шу кунларда Ҳиндистонда содир бўлаётган чақмоқлар 40 нафар кишини ҳаётдан олиб кетди.**



Хусусан, Уттар-Прадеш штатида 13 киши яшин уришидан ҳалок бўлиб, 10 дан ортиқ киши эса жароҳатланди. Табиий офат оқибатида жабрланганлар шифохоналарга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, Бихар штатида ҳам яшин уриши оқибатида 27 киши ҳалок бўлди, йигирмага яқини оғир жароҳатланди. Қурбонлар орасида олти нафар бола ҳам бор.

Ҳиндистон штатларида июнь ойидан то сентябрь ойигача мана шундай табиат ҳодисалари кузатилади, дея хабар беради «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги.

### 102 ёшда 150 метр баландликдан...

☑ **Американинг Айдаҳо штатида яшовчи пенсионер аёл Дороти Кастер 102 ёшга кириши муносабати билан парашютда баландлиги 150 метр келадиган кўприкдан қўрқмай сакради.**



Аёл 2012 йилда таваллуд айёми куни сув устидан ўтган узун арқон йўлагидан тушган эди. Бу йил эса у Кастер Твин-Фолс шаҳарчасидаги Перрайн кўпригида парвозни амалга оширди. Унга бу гал йўриқчи ёрдам берди.

Дороти узоқ умр кўриш хусусида гапириб, жумладан шундай дейди: «Камина ёшим ҳақида ҳеч қачон ўйламайман. Мен шунчаки яшаб, ҳаётдан баҳра оламан».

Интернет хабарлари асосида
Н.ЮНУСОВА тайёрлади.

БИЗ БАРКАМОЛ АВЛОДМИЗ

# БЕҒУБОР БОЛАЛИК БАЙРАМЛАРИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Мирзо Улуғбек тумани «Олтинтепа 10» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги болалар спорт майдончаси шарлар, гуллар билан безатилган.**

Бу ерга ташриф буюрган болакайлар байрам бошланишини кутиб қувончдан кўкка сакрар, ота-оналари, бобожон ва бувижонлари, ўртоқлари учун тайёрлаб келган шеъру ашулаларни тилларидан қўймас эди.

Уларнинг ҳаракатларини кўриб-кузатиб турган йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Тожихон Баҳодирова мийиғида кулганича: «Болажонлар, ёдлаган шеърларингиз, тайёрлаган саҳна кўринишларингизни ҳамма йиғилганидагина намойиш этасиз. Ахир бу барча учун кутилмаган совға бўлади», деди.

Дарҳақиқат, «Олтинтепа 10» маҳалласи 5 мингдан зиёд аҳолини ўзида жамлаган. У ердаги 1,5 мингга яқин оиланинг деярли барчасида болаларнинг шодон қийқириғи, шўх овозлари янграб туради. Фуқаролар йиғинида «Биз баркамол авлодмиз» ўн кунлиги доирасида ўтказилган байрам тадбирида 400 нафарга яқин бола иштирок этди.

Куйлар қўшиқларга уланиб, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, Қизил ярим ой жамияти туман бўлими ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, фаоллар, ота-оналар иштирокида болажонлар байрам тадбири бошланди. Фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган «Ашула ва рақс», «Шеърият», «Бадиий маҳорат» тўгараги аъзолари, бадиий гимнастика, кураш, таэквондо билан шуғулланаётган йигит-қизларнинг чиқишлари олқишга сазовор бўлди. Айниқса, Л.Жумаева, З.Инъомов, В.Молчанова, Ж.Раҳимқулова, Э.Баҳодиров, Д.Логученко, В.Цой, С.Раҳимқуловнинг маҳоратлари йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

Тадбир доирасида ҳомийлар ва тадбиркорлар томонидан болажонларга совғалар улашилди. Айниқса, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, жисмоний имконияти чекланган болажонлар учун бепул кийим-кечаклар, ўқув қуроллари, ўйинчоқлар тарқатилди.

— Ҳар бир болага меҳр ва эътибор керак, — дейди «Олтинтепа 10» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мурод Дўстмуҳаммедов. — Байрамга бошқа маҳалла болакайлари ҳам ташриф буюришди. Зеро, боланинг бегонаси бўлмайди. Бундай тантаналар фақат байрам арафасида эмас, балки йил давомида ўтказиб турилиши зарур. Чунки бу каби учрашувлар эртамиз эгалари ўртасида меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлаб, уларнинг дўстлашишлари, спортга ошно тутинишлари учун қулай фурсатдир.

Тадбир доирасида бадиий жамоаларнинг чиқишлари билан бир қаторда, болалар ва ўсмирлар ўртасида кураш, шахмат-шашка беллашувлари, футбол мусобақалари ташкил этилди. Ғолибликни қўлга киритганларга мукофотлар топширилди.

Умида УЗОҚОВА
«Mahalla»

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

# ЯНГИ ЮЛДУЗЛАР БЎЙ КЎРСАТДИ

## Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Happy Caravan» халқаро турнири якунланди

**Пойтахтимиздаги Бадиий гимнастика бўйича олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар ихтисослашган спорт мактабида 4-8 июнь кунлари бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Happy Caravan» халқаро турнири бўлиб ўтди.**



Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Осиё гимнастика уюшмаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз Гимнастика федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Ҳиндистон, Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Исроил, Россия каби давлатлардан икки юз нафардан зиёд гимнастикачи ғолиблик учун баҳслашди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Бу жараёнда спортнинг қизларга хос нафис тури — бадиий гимнастикани янада оммалаштириш, малакали мураббия кадрларни тайёрлаш ва уларнинг фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бадиий гимнастика бўйича жойларда ҳудудий федерациялар ва марказларнинг ташкил этилгани самарасида спортнинг ушбу нафис тури билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Мамлакатимизда бадиий гимнастиканинг жадал оммалашаётгани қизларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом вояга етишига хизмат қилиш билан бирга, улар орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу пойтахтимизда ўтган бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Happy Caravan» халқаро турнирида яна бир бор ўз ифодасини топди.

Тўрт кун давом этган мусобақада яккаликлар ва гуруҳлар ўртасида кўпкураш ва алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича финал беллашувлари ўтказилди. Гимнастикачи қизларнинг ҳалқа, тўп, булава ва тасма билан машқ бажариши, мусиқа ва ритмни яхши ҳис этиши, чаққон ва нафис ҳаракатлари мухлисларга завқ бағишлади.

...Ҳаяжонли дамлар — ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бошланди. Томошабинларнинг гулдурос қарсаклари остида майдонга яккалик ва гуруҳ беллашувларида совринли ўринларни эгаллаган гимнастикачилар кириб келди.

Осиё чемпионатининг алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича финал мусобақасида спортчимиз Жамила Раҳматова бир кумуш ва уч бронза, Майя Филиппова бронза медални қўлга киритди. Гуруҳ машқларининг «уч ҳалқа ва икки тасма» деб ном олган турини бажаришда хитойлик гимнастикачилар биринчи бўлди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Happy Caravan» халқаро турнирида иштирок этган ёш спортчиларимиз ҳам ўз маҳорат ва истеъдодини муносиб намойиш қилди. Булавада машқ бажаришда Нилуфар Шомуродова, тасмада машқ бажаришда Зулфия Йўлдошева иккинчи ўринни эгаллади. Гуруҳлар ўртасидаги баҳсда вакилларимиз биттадан кумуш ва бронза медалга сазовор бўлди.

Тантанали маросим таниқли санъаткорлар ижросидаги катта концерт билан якунланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

ҚАДРИЯТ

# ОИЛА МУСТАҲКАМ БЎЛСА, ЖАМИЯТ БАРҚАРОРДИР

**Оила — муқаддас қўрғон, жамиятнинг ажралмас бўғини. Шу боис мамлакатимизда оила муқаддаслигини сақлаш, никоҳ, оналик ва болаликка алоҳида эътибор қаратиб келинади.**

Юртимизда оила манфаатларини таъминлаш ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик асослари яратилган. Оилаларнинг давлат томонидан ҳимояланиши эса, ҳар бир хонадоннинг фаровонлиги, равнақида муҳим аҳамиятга эга. Айни шундай ишларнинг амалга оширилишида фуқаролар йиғинлари, қолаверса, улар қошидаги жамоатчилик комиссиялари алоҳида ўрин тутади.

Айтиш жоизки, мустаҳкам оила ва бахтли турмуш, аввалambор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги бурчи ҳамда масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ. Лекин катта умид билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз, имкониятлар яратиб бериш, ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар этиб камол топтириш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, балки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кенг жамоатчилик масъулдир.

Соғлом оилани шакллантиришнинг яна бир омили она ва бола муҳофазасини таъминлашдан иборат. Мамлакатимизда сўнгги йилларда оналик ва болаликка эътибор, уларнинг ижтимоий манфаатини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, оналик ва боланикнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши Конституциямизнинг 65-моддасида қайд этилган. Оила кодексининг 4-моддасида эса она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш, аёлларнинг меҳнати ва соғлиғини сақлашга доир махсус чоралар кўриш, хотин-қизларга қулай меҳнат шароити яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоялаш белгилаб қўйилган. Эътиборлиси, юртимизда оналик ва болалик муҳофазаси йўлида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда.

Ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида дадил одимлар эканмиз, маҳалла, ўз навбатида, оила институтини янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, республикамиздаги этно-демографик хусусиятнинг муҳим белгиси Европа ва Америка мамлакатларига қараганда никоҳлар барқарорлиги даражасининг юқорилигидир. Лекин айрим ҳолларда ёш оилалар ўртасидаги зиддиятлар, ёшларимизнинг бир-бирларини тушунмасликлари оилаларнинг ажрашиб кетишига сабаб бўлади.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Маълумотларга кўра, 1991 йилда ажралишлар сони 33.3 мингтани ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб қарийб 10 мингтага камайган. Бундай ижобий ўзгаришлар маҳаллаларимиз қошида ташкил этилган Яраштириш, Маърифат ва маънавият масалалари, Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияларнинг самарали фаолияти натижасидир.

Бир сўз билан айтганда, жамият таянчи бўлган оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шунингдек, халқимизга хос маънавий қадриятларни асраб-авайлаш ва тарғиб этиш кўплаб ижтимоий масалаларнинг олдини олади, деб баралла айтиш мумкин.

Нодира ЗОҲИДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

САВОБ

# Марзия ая ҳиммати

Денов туманидаги Ҳазорбоғ қишлоғида истиқомат қилувчи Марзия Отамуродова нафақадаги оддий аёллардан. Фарзандлари чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишади.

Марзия ая ҳаж амалларини бажаришни дилига тугиб, нафақа пулидан маблағ жамғарган эди. Аммо ўйлаб-ўйлаб ана шу пулни Обод турмуш йилида маҳалласининг ободлиги йўлида сарфлашга қарор қилди.

Ўзи яшайдиган «Дунётепа» маҳалла фукаролар йиғини ҳудудида артезиан қудуғи қазитиб, тоза ичимлик суви чиқартирди. 150 метрли артезиан қудуғини ишга тушириш учун 30 миллион сўм маблағ сарфланди. Онахоннинг ушбу ибратли ишидан маҳалладошлари мамнун.

Муҳаммаджон АЗИМОВ
«Mahalla»

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: У.Узоқова
Нашр навбатчиси: Т.Низомов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

23724 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7343 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.00